КУТУБХОНАСИ

ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 165 (10.218) / 2004 ЙИЛ 26 АВГУСТ

## БОЛАЛАР СПОРТИГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАГИМИЗГА ЭЪТИБОР

**25 август куни Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлди.**

Мамлакатимиз раҳбари шу йил 9 январь куни ўтказилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгаши йиғилишида қўйилган вазифаларнинг бажарилишига, спорт иншоотлари барпо этиш дастури доирасида жойларда амалга оширилаётган ишлар ва уларни молиялаштириш манбалари, 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини бажаришда Жамғарманинг ўрни ва аҳамияти, жисмоний тарбия ўқитувчи кадрларни тайёрлаш аҳволининг таҳлилига алоҳида эътибор қаратди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга жиддий эътибор берилаётгани туфайли бугунги кунда соҳадаги кўплаб муаммоларга ижобий ечим топилмоқда. Бу борада бошлаган хайрли ишларимизнинг замирида ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказишдек улуғвор ва истиқболли мақсад мужассамдир. Ушбу ташаббус ўзини оқламоқда, эзгу юмушларимиз самарасини бермоқда.

Кенгашнинг аввалги йиғилишида жойларда болалар спортини ривожлантириш учун малакали ва фидойи кадрларни жалб этиш, спорт иншоотларини зарур жиҳозлар ва анжомлар билан таъминлаш, бундай анжомлар, кийим-кечаклар ва чарм-пойабзал маҳсулотларини ўзимизда замон талаблари даражасида ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш вазифалари қўйилганди. Ҳокимликлар, тегишли вазирлик, ташкилот ва идоралар раҳбарлари зиммасига бу борада аниқ вазифалар юкланган эди.

Болалар спортини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар доирасида аввало спорт иншоотларига эга бўлмаган қишлоқ мактаблари аниқланди. Уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш, бу ишларга ҳомийлар маблағларини кенгроқ жалб этиш, спорт секцияларини малакали кадрлар билан таъминлаш, мактаблар атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, спорт майдонлари қуриш каби юмушларни босқичма-босқич амалга оширишга киришилди.

Болалар спортини оммалаштириш, маҳаллаларда оилавий спорт мусобақаларини мунтазам ўтказиш, қизларни спортнинг енгил атлетика, гимнастика, сузиш, теннис, стол тенниси каби секцияларига кенгроқ жалб этиш борасида эътиборга молик ишлар қилинаётир.

Йиғилишда мўлжалдаги маблағнинг ўз вақтида ва тўла миқдорда тушишини таъминлаш бўйича жойларда амалга оширилаётган ишлар кўлами таҳлил этилди. Таъкидланганидек, 2004-2005 йилларда ишга туширилиши мўлжалланган 61 та янги объект бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Жорий йилнинг 25 август ҳолатига кўра 23 та янги ва 19 та реконструкция қилинган спорт иншооти фойдаланишга топширилди.

Бу объектлар, Ислом Каримов уқтирганидек, хўжакўрсинга, фақат ҳисобот учун эмас, болаларимиз улардан фойдаланиши, жисмонан ва маънан камолга етиши йўлида барпо этилмоқда.

Шу билан бирга, жойларда бу борада камчилик ва нуқсонлар мавжуд. Тегишли ташкилотлардан маблағлар тушиши тўла таъминланмаган. Айрим вилоятларда ҳудудий ҳомийларни жалб қилиш ишлари етарли даражада олиб борилмаяпти. Белгиланган қурилиш ишлари асоссиз равишда чўзиб юборилмоқда. Йиғилишда бу ишларнинг ижроси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари шахсан масъуллигига яна бир бор эътибор қаратилди.

Давоми 2-бетда.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*



## «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бериш тўғрисида

***Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати, халқимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилиб, олий нишон — "Олтин юлдуз" медали топширилсин:***

**Иброҳимов Тўлқин Йўлчибоевич** — "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг "Ўзбекистон" локомотив депоси тепловоз машинисти

**Маҳмудова Анор Мадаминовна** — Гурлан туманидаги Ибн Сино номли 5-мактаб директори, Хоразм вилояти

**Ҳамидов Абдураим** — Тўрақўрғон туманидаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалигининг пудратчиси, Наманган вилояти

**Юсупов Иброҳим** — Ўзбекистон халқ шоири

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 25 август.



Иброҳимов Тўлқин Йўлчибоевич



Маҳмудова Анор Мадаминовна



Ҳамидов Абдураим



Юсупов Иброҳим

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Ўзбекистон илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум фан, адабиёт ва санъат арбобларини мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон фани ва маданияти ривожига бекиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини эл-юрт равнақи, халқимиз маънавиятини юксалтиришга бахш этган ватандошларимизнинг табаррук хотирасини ёд этиб ҳамда улар қолдирган бебаҳо ижодий ва илмий меросни инобатга олиб, қуйидаги марҳум олим, адиб ва санъаткорлар "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотлансин:

**Ҳожихон Болтаев** — Ўзбекистон халқ артисти

**Муҳаммаджон Мирзаев** — Ўзбекистон халқ артисти, бастакор

**Ҳамид Олимжон** — шоир

**Наби Раҳимов** — Ўзбекистон халқ артисти

**Всеволод Иванович Романовский** — академик

**Ойимхон Шомуротова** — Ўзбекистон халқ артисти

**Сора Эшонтўраева** — Ўзбекистон халқ артисти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 23 август.

## ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига кўра Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн уч йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Жумладан, Тошкент шаҳридан қуйидагилар Ватанимизнинг юксак мукофотларига мушарраф бўлдилар.**

**Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, бетакрор истеъдоди, серқирра ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилди:**

### «Ўзбекистон Республикаси халқ шоири»

**Файнберг Александр Аркадьевич** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

### «Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми»

**Нуриддинов Муҳаммадхон Нуриддинович** — Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, рангтасвирчи

**Хабибуллин Озад Ғарифович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

### «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси»

**Абдураҳмонов Маҳмуд Раҳматуллаевич** — «Устазода» халқ амалий санъати корхонаси ганч ўймакори, Тошкент шаҳри

Давоми 2-бетда.



## Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси ўз ишини бошлади.

## БОЛАЛАР СПОРТИГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАГИМИЗГА ЭЪТИБОР

Давоми. Боши 1-бетда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ишлаб чиқилғани ва ҳаётга кенг жорий қилинаётгани болалар спортини ривожлантириш борасида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, бу борадаги барча юмушлар мактаб таълимини ривожлантиришга қаратилган улкан қамровли ишларнинг таркибий қисмидир. Президентнинг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармони, Вазирлар Маҳкамаси бу борада қабул қилган қарорлар талабларини бажариш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ, 2004-2009 йилларда жойларда янги қуриладиган мактабларда 325 та, шу жумладан, қишлоқ жойларида 300 та, капитал реконструкция қилинадиган 2 минг 313 та мактабнинг 1 минг 431 тасида (ҳаммаси қишлоқ жойларида) спорт заллари қурилиши режалаштирилган.

Спорт залларини жиҳозлаш масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, болалар спорт мажмуалари ва залларини зарур спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминлаш қониқарсиз аҳволда. Мактабларни спорт жиҳозлари билан таъминлаш даражаси республика бўйича 23 фоиз, қишлоқ мактабларида эса 19 фоизни ташкил қилмоқда.

Президентнинг фикрича, спорт анжомлари ва жиҳозларини ўзимизда, ўз корхоналаримизда тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Юртбошимиз спорт мураббийларини тайёрлаш масаласига атрофлича тўхталди. Республика миқёсида жисмоний тарбия фани бўйича педагог кадрлар билан таъминланганлик даражаси 94,3 фоизни ташкил этади. Аммо жисмоний тарбия ўқитувчиларининг 50,5 фоизи олий маълумотли, мингдан ортиқ ўқитувчи эса жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисликка эга эмас. Бу борада педагог кадрларни тайёрлаш билан шуғулланадиган олий ўқув юртлари тизимини тартибга солиш, спорт мураббийларини тайёрлашни такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Ўзини миллатнинг, халқимизнинг ҳақиқий фарзанди деб ҳисобловчи ҳар бир фидойи инсон болалар спортини ривожлантириш масаласига бефарқ бўлмаслиги керак, — деди Президентимиз. Зеро, ёш авлод тақдири қалбида халқни, миллатни улуғлаш, дунё миқёсида ўзбек номини, шонини тараннум этиш, Ўзбекистонимизнинг обрў-эътиборини оширишдек эзгу орзу-истак билан яшаётган ҳеч бир ватандошимизни эътиборсиз қолдирмаслиги шарт.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Файзуллаев, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви раиси А.Мирқосимов ва вилоятлар ҳокимлари бу борада амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА мухбири**

## ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

Давоми. Боши 1-бетда.

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»

**Бобожонова Амина Амиржоновна** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театри балет артисти

**Ғафуров Бердишукур Фозилович** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театри опера хонандаси

**Зарипов Улуғбек Фахриддинович** — «Ўздавлатцирк» бирлашмаси артисти, чавандоз

**Илёсов Дони Абдусаматович** — Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси, бастакор

**Қаюмов Шухрат Ҳамидуллаевич** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

**Кудашкин Валерий Владимирович** — Ўзбекистон академик рус драма театри актёри

**Мадумарова Лайло** — «Сетора» эстрада гуруҳи хонандаси

**Хўжаева Комила** — «Сетора» эстрада гуруҳи хонандаси

**Мансурова Шамшиқамар Жариповна** — Республика ёш томошабинлар театри актёри

**Муҳаммаджонов Ботир Аҳмедович** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Ниёзов Сойибжон Наврўзович** — «Ўзтелерадио» компанияси «Мақом» ансамбли хонандаси

**Сайфуллаев Алишер** — Ўзбекистон миллий симфоник оркестри созандаси

**Холмирзаев Боир Мирзаалиевич** — Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри актёри

**Шерматов Комилжон Эркинович** — Ўзбек миллий чолғу асбоблари «Сўғдиёна» камер оркестри созандаси

**Қодиржонова (Мирзақулова) Дилнура Шукуровна** — Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси, хонанда

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

**Ерошина Галина Викторовна** — Ўзбекистон давлат консерваторияси катта ўқитувчиси

**Маҳмудова Ҳамида Ахюловна** — Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти доценти

**Саидкаримов Ўткир Саидабдуллаевич** — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети доценти

**Содиқов Санжар** — Ўзбекистон Миллий университети профессори

**Усмонов Қамар** — Тошкент молия институти кафедра мудири

**Шахназаров Шариф Холлиевич** — Республика олимпия ўринбосарлари коллежининг оғир атлетика бўйича бош мураббийси

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»

**Зарипова Раъножон** — «Соғлом авлод» газетаси бош муҳаррири

**Раҳматов Нусратилло (Нусрат Раҳмат)** — Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси, публицист

**Тошхўжаев Акрам Сайдакбарович** — «Ўзтелерадио» компанияси «Спорт» телеканали шахмат шарҳловчиси

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор»

**Тўхтаев Сайдиахрол** — Ўзбекистон Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти лаборатория мудири

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»

**Назармуҳамедов Собир Кўчқорович** — «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг «Ўзбекфильм» киностудияси постановкачи-режиссёри

**Рўзибоева Людфия** — «Ўзтелерадио» компанияси «Болалар» студияси режиссёри

**Убайдуллаев Ғайрат** — «Ўзтелерадио» компанияси «Тошкент» телеканали режиссёри

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»

**Аҳмедов Эркин Ғаниевич** — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси марказининг эпидемиолог-бактериологи

**Комилов Ҳайдар Позилович** — Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти профессори

**Сабуренко Юрий Федорович** — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг республика нейрохирургия илмий маркази бўлим мудири

**Хўжаева Матлуба Ғаниевна** — Соғлиқни сақлаш вазирлиги республика онкология илмий марказининг нур ва кимёвий даволаш бўлими илмий раҳбари

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

**Азизхўжаева Наиля Назировна** — Тошкент давлат педагогика университетининг кафедра мудири

**Халқимизнинг илм-зиё салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришдаги катта хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда кўп йиллик жамоатчилик фаолияти учун қуйидагилар мукофотланди:**

### «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Йўлдошев Баҳодир Турсунович** — Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театрининг бадиий раҳбари

**Йўлчиева Муножотхон Абдувалиевна** — М.Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси хонандаси

**Кист Александр Алексеевич** — Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институти лаборатория мудири

**Қурбонова Нодира Сахобовна** — «Томоша» болалар фольклор театр студияси бадиий раҳбари

**Қосимов Миржалол Қўшоқович** — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси сардори, республика олий спорт маҳорати мактаби йўриқчиси

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Абдуллаев Баҳодир Абдурашитович** — «Ўзтелерадио» компанияси «Ўзбектелефильм» студияси дубляж бўлимининг бошлиғи

**Бегматов Абдували** — Ўзбекистон Миллий университети кафедра мудири

**Раҳимов Ваҳоб** — Тошкент давлат техника университети кафедра мудири

**Саъдиев Хайрулла Ҳабибович** — Абдулла Қаҳҳор номидаги Республика сатира театри актёри

**Содиқова Муҳтарам** — Акушерлик ва гинекология илмий тадқиқот институти бўлим бошлиғи

**Солиев Талат** — Ўзбекистон радиоси «Ахборот» муҳарририяти шарҳловчиси

**Тожиев Ҳабибулла Ҳикматович** — Курашни ривожлантириш бутунжаҳон жамғармаси раиси, Халқаро кураш ассоциацияси ижроия қўмитаси аъзоси

**Тошкенбоев Эркин Шокиржонович** — «Саҳнадаги цирк» корхонаси бош режиссёри

**Тўлаганов Абдулла Абдураҳимович** — «Ўзбеккино» Миллий агентлиги Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси оператори

**Тухватуллин Ильяс Хамидович** — Альпинизм ва қояларга чиқиш спорти бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Ўтбосаров Турсун Саидович** — «Ўзтелерадио» компанияси бош дирекцияси катта муҳаррири, мусиқа танловчи

**Шоҳисмоил ўғли Фиаз (Файзи Шоҳисмоил)** — «Жаҳон адабиёти» журнали масъул котиби, шоир

**Шур Ирина Алексеевна** — Ўзбекистон «Видергебурт» немис маданий марказининг раиси

**Эргашев Ибодулла** — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси проректори вазифасини бажарувчи

**Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотланди:**

### I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Туреева Нурия Кудияровна** — Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари

### II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Алимжонова Дилбар Магрибжоновна** — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани раҳбари

**Юртимизда тинчлик-тотувлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик ғояларини қарор топтириш борасидаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўлга киритган ютуқлари билан Ватанимиз обрў-эътибори ва шон-шуҳратини юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотланди:**

### «Дўстлик» ордени билан

**Бахтеева Любовь Васильевна** — «Ўзбекфильм» киностудяси овоз-монтаж устаси

**Буркутская Нина Робертовна** — Ўзбекистон Фанлар академияси асосий кутубхонаси бўлим мудири

**Дюгай Платон Владимирович (Пўлат Дониёров)** — «Народное слово» газетаси бўлим муҳаррири

**Орлов Владимир Алексеевич** — Марказий ҳарбий спорт клубининг эркин кураш бўйича мураббийси

**Пўлатова Мамлакат Акмаловна** — «Ўзтелерадио» компанияси Тошкент халқаро радиоси муҳаррири

**Салпинкиди Иван Панаетович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи

**Султонов Ҳамид Ибрагимович** — «Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррири ўринбосари

**Тю Тхи Ким Зунг** — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси

**Эгай Семен Борисович** — «Ўзбеккино» Миллий агентлиги «Экофильм» студияси раҳбари, кинорежиссёр

**Ядринская Мая Рудольфовна** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театри хормейстери

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотланди:**

### «Шуҳрат» медали билан

**Аббосова Дилором Йўлдошевна** — «Ўқитувчи» нашриёти кимё-биология ва умумтехника адабиётлари таҳририятининг катта муҳаррири

**Абдуллаева Шаҳноз Каримжоновна** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи

**Азимова Шоҳиста Абдулазизовна** — Тошкент Ислом университетининг «Зиё» студияси интернет-провайдери

Давоми 3-бетда.

# ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

Давоми. Боши 1- 2-бетларда.

**Алимбекова Жумагул Мауленовна** — «Нурлы жол» газетаси бўлим мудири

**Алихонов Шавкат Ғайратович** — «Ўзтелерадио» компанияси республика телемаркази таъмирлаш цехи бошлиғи

**Анваров Ғайрат** — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси чоп этиш цехи матбаачиси

**Балашов Александр Григорьевич** — Республика олимпия захиралари спорт коллежининг стол тенниси бўйича бош мураббийси

**Бийназова Наврўза Неъматуллаевна** — «Ўзтелерадио» компанияси «Спорт» телеканали катта муҳаррири

**Данилов Игорь Васильевич** — Давлат патент идораси бўлим бошлиғи

**Зайнутдинова Ильмира Шариповна** — «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари мухбири

**Ибрагимов Ислом Исмоилович** — Тошкент шаҳар экспериментал тажриба ҳайкалтарошлик ишлаб чиқариш комбинати раҳбари

**Эгамбердиева Кумуш Санатовна** — «Тошкент ҳақиқати» газетаси корректори

**Эргашева Роҳат Жўраевна** — Тошкент матбаа комбинатининг муқовалаш цехи машинисти

**Исоқова Муҳайё Сирожиддиновна** — Ўзбекистон Миллий университети аспиранти

**Исломбеков Эркин Султонович** — В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази бўлим раҳбари

**Каменский Дмитрий Николаевич** — Тошкент трактор заводи қошидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббий-ўқитувчиси

**Комиссарова Наталья Петровна** — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг газета чоп этиш цехи монтажчиси

**Латипов Ҳалим Рафиқович** — Тошкент давлат техника университети кафедра мудири

**Латипова Лазокат Собиржоновна** — Тошкент Ислом университетининг «Зиё» студияси муҳаррири

**Мирдадаев Саидаҳмад** — «Ўзтелерадио» компанияси радиоэшиттириш ва овоз ёзиш уйининг цех бошлиғи

**Мирзараҳимов Тўхтамурод Тўлаганович** — «Ўзтелерадио» компанияси «Ўзбекистон» телеканали телеоператори

**Миршахўжаев Собит Обиджонович** — Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Мусакаева Альфия Адилевна** — Ўзбекистон тарихи давлат музейи етакчи илмий ходими

**Никадамбоев Одил Олимжонович** — Тошкент давлат техника университетининг магистранти

**Одилов Сурат** — «Ўзтелерадио» компанияси «Маърифат» студияси бўлим бошлиғи

**Отабоев Шерзод Фарходбекович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, дизайнер

**Пономарев Геннадий Сергеевич** — Тошкент шаҳар 6-олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг волейбол бўйича катта мураббийси

**Рустамова Хосият Исломалиевна /Хосият Рустамова/** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

**Саъдуллаев Нозимбек** — «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг «Ўзбекфильм» киностудияси ёритиш цехи бошлиғи

**Усмонов Азимбек Низомович** — «Ватанпарвар» газетаси бўлим муҳаррири

**Усманов Иноят Шоюнусович** — «Ўзтелерадио» компанияси Халқаро алоқалар департаменти директори ўринбосари

**Ҳасанова Любовь Тихоновна** — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқитувчиси

**Хўжаев Собиржон** — «Ўзтелерадио» компанияси бош дирекцияси телеоператори

**Цай Людмила Ивановна** — Тошкент шаҳар, Миробод тумани 38-оилавий поликлиника шифокори

**Шаипов Рафик Мирхайдарович** — Оммавий спорт турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг катта мураббийси

**Яковец Юрий Матвеевич** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театри муҳандиси

**Қаноатов Толиб Қаноатович** — Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти бадиий муҳаррири

**Қосимова Ҳуррият Хусановна** — Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг катта лаборанти

**Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович (Улуғбек Ҳамдам)** — Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти илмий ходими, ёзувчи

# ФАХРИЯ

*Оллоҳнинг измила ёруғ оламда,*
*Бахт қуши қўнаркан*
*улуғ одамга,*
*Самодай юксалиб ул*
*буюк инсон,*
*Тўғри йўлга бошлар*
*экан бегумон.*

*Ушалди юз йиллар*
*қилинган армон*
*Юртбошимга насиб*
*этди бу иқбол*
*Ундаги шижоат, ундаги иймон*
*Юртимизга берди шараф*
*ила шон.*

*Эзгу ҳис қоплайди дилни*
*ҳар саҳар,*
*Не ажаб ҳар гўша*
*эришар зафар.*
*Юрт жаннат ободдур*
*қишлоқ, ҳар шаҳар.*
*Эл озод, дил озод, ҳур*
*Ватан башар.*

*Қанча уринмасин ёвузлар бекор*
*Элнинг ғазабига*
*бўлурлар дучор*
*Бу дунё у дунё бўлиб хору зор.*
*Улар бешафқатлар, ундан*
*эл безор.*

*Илоҳим бир умр*
*ғам йироқ бўлсин,*
*Меҳру мурувватга нур*
*чироқ бўлсин.*
*Қалбимизда тинчлик*
*нияти доим,*
*Ниятлар ижобат, димоғ*
*чоғ бўлсин.*

*Юртбошим истиқлол*
*меъмори эрур,*
*Унинг ҳар бир сўзи биз*
*учун мезон,*
*Оллоҳ унинг қалбига солган*
*чин ғурур*
*Паноҳида сақлар ҳамиша омон.*

***Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ,***
***Техника фанлари доктори***

# ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

## ҚИСҚА сатрларда

• **БУГУН** Темурийлар тарихи Давлат музейида Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тадбир «Улуғимсан, Ватаним!» деб номланади.

• **ЧИЛОНЗОР** туманидаги Усмон Юсупов, «Катта Дўмбиробод», «Гулобод» маҳаллаларида бўлиб ўтган тадбирда март ойида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятларида содир этилган террористик ҳаракатларнинг салбий оқибатлари, хавфсизликни таъминлашда ҳамжиҳатликка эришиш чоралари хусусида сўз борди.

• **БУГУН** Собир Раҳимов туманида бунёдкорлар томонидан қуриб битказилган тўртинчи оилавий поликлиника, 26-мактабгача таълим муассасаси, «Эски шаҳар» маҳалла маркази биноларининг очилиш маросими бўлиб ўтади.

• **ЎТГАН** куни Юнусобод туманидаги маҳаллаларда мамлакатимиз Мустақиллигининг 13 йиллиги муносабати билан ўсмирлар ва болалар ўртасида шахмат, шашка, узунликка сакраш, сузиш, асфальтга расм чизиш бўйича мусобақалар, танловлар уюштирилди.

• **МИРЗО** Улуғбек туман ҳокимлигида туман ИИБ ходимлари иштирокида ўтказилган «Нурли келажак» мавзуидаги тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан уюштирилди.

• **ЎТГАН** куни Чилонзор туманидаги 23-Меҳрибонлик уйида янги ўқув йилини муносиб кутиб олиш мақсадида тарбияланувчилар иштирокида Ватанпарварлик акцияси ўтказилди, Меҳрибонлик уйи ҳудуди ободонлаштирилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

# ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

## Мамлакатимизда

**• Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг йиғилиши ўтказилди.**

**• Кеча Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик; Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари; Ёшлар ишлари; Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмиталари ҳамда Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссиясининг йиғилишлари бўлиб ўтди.**

**• Бугун мамлакатимизга Япония Ташқи ишлар вазири муҳтарама Е.Кавагучи бошчилигидаги Япония ташқи ишлар вазирлиги делегацияси расмий ташриф билан келади.**

**• «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат ҳиссадорлик компанияси корхонаси ишлаб чиқарилаётган эҳтиёт қисмлар турларини кўпайтирмоқда. Хусусан, сўнгги тўрт йил ичида бу ерда мамлакатимиз темирйўлчилари томонидан фойдаланиладиган 350 хил маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.**

**• «Бунёдкор» ёшлар телеклубида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 13 йиллиги ҳамда «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими қошида матбуот хизматининг очилишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

**• Оҳунбобоев туманидаги Лангар қишлоғида яшовчи тадбиркор Усмонжон Тўхтасинов фойдаланилмай ётган эски бинони таъмирлаб фирмаси қошида мебель цехи ташкил этди. Ҳозир бу ерда 6 хил мебель тайёрланмоқда.**

**• «Ўзиккиламчиранглиметалл» концерни металлни тозалаш бўйича 1,9 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги асбоб-ускуналарни қабул қилди.**

## Жаҳонда

**• Абхазияда Президент сайлови кампанияси шу ҳафтадан бошланди. Эндиликда президентлик курсиси учун 7 номзод ҳаракат қилади.**

**• Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай «Толибон» режими билан курашган ва 2001 йилдан буён Афғонистондаги қамоқхоналарда сақланаётган 400 нафар покистонлик маҳбусларни ўз мамлакатларига жўнатишга ваъда берди.**

**• Ўн йиллик танаффусдан сўнг Германия Ироқда ўз элчихонасини қайтадан очди.**

**• Ингушетияда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Хавфсизлик кенгаши ташкил этилди.**

**• Грециянинг Солоники шаҳри аппеляция суди Сербия маъмурларининг Сербия бош вазири Зоран Жинжични ўлдиришда гумон қилинаётган Деян Миленковични бериш тўғрисидаги сўровларини қондиришга қарор қилди.**

*Олимпиада-2004*

# ЎТКИРБЕК ҲАМ ЯРИМ ФИНАЛДА!

**АФИНА. (ЎзА мухбири Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ хабар қилади).**

**Ярим финалга йўлланма олган боксчимиз Баҳодир Султоновнинг ёнига Ўткирбек Ҳайдаров ҳам қўшилди. У чорак финалда туркиялик Тархан Йилдирим билан куч синашди ва ғолиб чиқди.**

Ў.Ҳайдаров финалда америкалик боксчи Андре Вардга қарши жанг ўтказади.

Ҳамюртларимиздан Александр Дохтурашвили ва Алексей Чеглаков юнон-рум кураши беллашувларини муваффақиятли бошлади. А.Дохтурашвили жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори венгриялик Тамаз Берзицзани 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Алексей Чеглаков эса латвиялик Игор Кастинсни 3:1 ҳисобида енгди. Энди у туркиялик жаҳон чемпиони Мехмет Ўзал билан куч синашади.

## ҲАМКАСБИМИЗНИ ҚУТЛАЙМИЗ!



Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 13 йиллиги муносабати билан мукофотланган фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маънавият ва маърифат, санъат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ходимлари орасида ҳамкасбимиз «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари мухбири Ильмира Шариповна Зайнутдинова ҳам бор.

«Оқшом» газеталарининг ижодий жамоаси Ильмира Зайнутдиновани Ватанимизнинг юксак мукофоти — «Шуҳрат» медали билан тақдирланганини муносабати билан чин дилдан қутлайди, келгусидаги ижодида муваффақият, сиҳат саломатлик тилайди.

**«Оқшом»чилар**

**«Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси” давлат акциядорлик жамиятида меҳнаткашлар фарзандларининг соғлиғини мустаҳкамлаш ҳамда мароқли дам олишини ташкил этиш долзарб масаласига жиддий аҳамият берилмоқда. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманининг хушманзара табиат гўшасида жойлашган “Гулистон” болалар соғломлаштириш оромгоҳида ёзги дам олиш мавсумида бирлашма ишчи-хизматчиларининг 1131 нафар, қардош қорақалпоқ халқининг 60 нафар, кам таъминланган оилаларнинг 10 нафар фарзандлари, Меҳрибонлик уйларининг 25 нафар тарбияланувчилари мириқиб ҳордиқ чиқариб, соғлиқларини мустаҳкамладилар. Болаларни соғломлаштириш юзасидан белгиланган режа ошиғи билан бажарилди. Лекин гап дам олдирилган болалар сонининг кўплигидагина бўлмай, қизиқарли машғулотларга, эсда қоларли маданий – спорт тадбирларига бой бўлган оромгоҳнинг кундалик фаолиятидан азиз болаларнинг мамнун эканликлари қувонарлидир.**

# ОРЗУЛАР БОЛАЛИКДАН БОШЛАНАДИ

Дарҳақиқат, оромгоҳнинг кундалик ҳаётини турли тўгарак машғулотларисиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, спорт тўгараклари келажагимиз ворисларининг севимли машғулотларидан бирига айланган. Спортнинг футбол, волейбол, у-шу, дзюдо, шахмат, шашка, стол тенниси каби турлари бўйича фаолият кўрсатаётган тўгараклар шулар жумласидандир.

Оромгоҳда соғломлаштириш мавсумининг биринчи навбатида футбол бўйича болаларнинг ёшига қараб гуруҳлар ўртасида биринчилик ўтказилди. Қизғин кечган мусобақаларда 2, 4, 7, 9, 1 гуруҳларнинг ёш футболчилари ғолиб чиқиб, корхона маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитасининг Фахрий ёрлиғига сазовор бўлдилар. Дам олиш мавсумининг иккинчи навбатида эса, “Сен ва мен – соғлом бўлайлик” шиори остида спорт-шоу дастури ўтказилиб, “Олимпия” спорт мажмуи, болалар спорт мактабининг умидли спортчилари иштирок этдилар. Шахмат бўйича жаҳон чемпиони, халқимизнинг фахрига айланган Рустам Қосимжоновнинг улкан ғалабаси барчани янада руҳлантириб, оромгоҳда «Ёш иқтидорлар” танлови ўтказилди.

Бундан ташқари оромгоҳда тасвирий санъат, сомондан шакл, буюм ясаш, авиамодел, ўзбек, инглиз, корейс тиллари тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Ёш ижодкорлар ўзлари севган тўгараклардаги қизиқарли мавзулар бўйича ишлаш билан машғул бўлиб, беғубор болалик хаёлот оламининг бойлиги, улардаги меҳнатсеварлик хислати билан уйғунлашиб, болаларни ажойиб касб соҳибига, қўли гул ҳунар эгасига айланиши шак-шубҳасиздир. Орзуларнинг болаликдан бошланиши бежиз эмас.

Оромгоҳда яйраб дам олаётган, меҳр билан тўгаракда ижод қилаётган ёки спорт билан шуғулланаётган болаларнинг мамнун қиёфасини кўрганда, беғубор кулгусини эшитганда кўпчиликнинг меҳнати самарали бўлганидан ғоят қувонаман. Зеро, “Бола кулса – олам кулади”– деб донолар бежиз айтишмаган.

**Мирадҳам МАҲСУДОВ,**
**«Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси” давлат акциядорлик жамияти бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раисининг ўринбосари.**

# ҲУДУДИЙ СПАРТАКИАДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

**Меҳнаткашларнинг фарзандларини соғломлаштириш, спортни оммавийлашиб боришига ҳисса қўшиш, истеъдодли спортчиларнинг етишиб чиқишига кўмаклашиш касаба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.**

Табиат бағридаги сўлим оромгоҳда яйраб ҳордиқ чиқараётган азиз болаларнинг спорт билан шуғулланишларига, соғлом, кучли бўлиб вояга етишларига аҳамият бериш ғоят муҳим вазифадир. Спортнинг оромгоҳлар кундалик тарбиявий-маданий, маърифий ишларининг ажралмас қисмига айланганлиги, болаларнинг спортга меҳр қўйиб, турли спорт тўгаракларига қатнашаётганликлари, бўш вақтлари мазмунли ўтаётганлиги қувонарлидир. Келажагимиз эгаларини ҳар жиҳатдан етук бўлиб камол топиши эзгу ниятимиздир. Спортнинг муҳим жиҳатларидан бири кишидаги иродани тарбиялайди, қийинчиликлардан чўчимасликка ўргатади ва ажойиб дўстлар орттиришга ёрдам беради. Спортнинг таъсирчан тарбия воситаси сифатидаги хусусиятлари бетакрордир.

Шу йилнинг июль ва август ойларида Тошкент шаҳар корхоналари ва ташкилотларининг Бўстонлиқ туманидаги сўлим табиат гўшаларида жойлашган болалар соғломлаштириш оромгоҳларида шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши томонидан ҳудудий спартакиада ўтказилди. Оромгоҳлар жойлашган манзили бўйича бешта ҳудудга бўлинган ҳолда спортнинг волейбол, мини-футбол, арқон тортиш, енгил атлетика каби тўртта тури бўйича ҳар бири 36 нафар бўлган жамоалар ўзаро беллашдилар. Жами бўлиб ҳудудий спартакиадаларда 576 нафар иштирокчидан иборат бўлган 16 та жамоа фаол қатнашди. Қизиқарли ва муросасиз баҳсларга бой тарзда ўтган мусобақаларда ғолиб ҳамда совриндорлар аниқланди.

Биринчи ҳудудий спартакиадада спортсевар “Алгоритм” оромгоҳининг жамоаси ғолиб чиқиб, ҳурмат шоҳсупасининг иккинчи ўрнини “Зафар”, учинчи ўрнини “Белдирсой”, тўртинчи ўрнини эса “Қуёшли” оромгоҳлари эгалладилар. Иккинчи ҳудуд бўйича “Камалак” оромгоҳининг жамоаси зафар қозониб, “Зилола” оромгоҳи иккинчи, “Нурафшон” оромгоҳи учинчи ва “Автомобилист” оромгоҳи тўртинчи ўринни банд этди. Учинчи ҳудудий спартакиадада “Семурғ” оромгоҳининг ёш спортчилари ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлиб, “Алоқачи” оромгоҳи фахрли иккинчи ўринга сазовор бўлди. Спартакиаданинг тўртинчи ҳудудий баҳсларида “Чотқол” оромгоҳининг вакиллари биринчиликни эгаллаб, фахрли ўринларни эса “Ёш куч”, “Шодлик” ҳамда “Ниҳол” оромгоҳлари жамоалари қўлга киритдилар. Бешинчи ҳудудий спартакиада баҳсларида “Конструктор” оромгоҳи жамоаси ғолиб чиқиб, “Фазогир Гагарин” оромгоҳи вакиллари ҳурмат шоҳсупасининг иккинчи поғонасини эгалладилар.

Мусобақалар барча ҳудудларда уюшган ҳолда ўтказилганлиги, ҳакамлар малакасининг етарли эканлиги, дўстона вазият, байрамона кайфият ҳукм сурганлиги эътиборга лойиқдир. Айниқса, “Алгоритм”, “Семурғ” ва “Ёш куч” болалар соғломлаштириш оромгоҳларида спартакиада мусобақаларининг тантанали очилиш ҳамда ёпилиш маросими, ёш санъаткорларнинг ажойиб маданий дастури билан уйғунлашиб, спорт байрамига айланиб кетганлиги барчага завқ-шавқ бағишлаб, бир олам қувонч ҳадя этди. Шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши ғолибларни биринчи, иккинчи ва учинчи даражали дипломлар, совғалар билан тақдирлади. Шунингдек, ғолиб жамоалар аъзолари ҳамда зафар қозонган жамоаларга совғалар тантанали тарзда топширилди. Спартакиадада иштирок этган жамоаларнинг раҳбарлари мусобақаларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги саъй-ҳаракати, ғолибларни рағбатлантириш орқали болалар қалбида спортга меҳр уйғотаётганлиги, оромгоҳда болалар спортининг оммавийлигини оширишдаги ғамхўрлиги учун шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг раҳбариятига самимий миннатдорчилик билдирдилар.

**Саидмахмуд ЯҲЁЕВ,**
**Тошкент шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия-спорт жамияти кенгашининг раиси.**







**Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ёш авлоднинг мириқиб дам олишидан ташқари уларнинг маънавий-маърифий ва жисмоний томондан ҳам камол топишлари йўлида ҳар хил танловлар, кўриклар, қизиқарли мусобақалар, турли миллатларнинг урф-одатлари акс этган ранг-баранг кечалар мунтазам равишда ташкил этиб келинади.**

**СУРАТЛАРДА: «Гулистон» болалар оромгоҳида ташкил этилаётган тадбирлар мана шундай қизиқарли тарзда ва уюшқоқлик билан ўтади.**

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

**Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг саҳифаси**

## ХОТИРА МУСОБАҚАСИ ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ

**«Алгоритм» болалар соғломлаштириш оромгоҳи меҳнаткашларнинг фарзандлари жисмонан бақувват, руҳан соғлом бўлиб вояга етишлари, мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун турли-туман спорт мусобақалари уюштирилаётганлиги, санъат ва спорт соҳасида ёш истеъдодлар камол топаётганлиги билан азиз болаларнинг севимли дам олиш масканига айланган. Мазкур тадбирлар орасида ўзбек футболининг фахри, қалбларда ўчмас из қолдирган «Пахтакор» футбол командасининг авиаҳалокатга учраб, бевақт сўнган юлдузларини ёдга олиб, бир неча йиллардан буён ўтказилаётган «Пахтакор-79» анъанавий хотира халқаро турнири ўзига хос жиҳатлари билан юраклардан чуқур ўрин эгаллаган.**

«Алгоритм» очиқ акциядорлик жамияти раҳбарияти, корхона касаба уюшма қўмитасининг ташаббуси ҳамда саъй-ҳаракати билан ўтказиб келинаётган мусобақанинг нуфузи тобора ортиб, мазкур хайрли анъананинг халқаро миқёсга кўтарилганига ҳам бир неча йил бўлди. Бу йилги турнирни моҳир футбол шарҳловчиси, футбол бўйича республика тоифасидаги ҳакам Ахбор Имомхўжаев тантанали тарзда очди. «Пахтакор-79» жамоасида тўп сурган марҳум футболчиларнинг оила аъзоларидан Лилия Собирова, Равшана Агишева, Светлана Федорова, мазкур жамоанинг мураббийси И.Тазетдиновнинг рафиқаси Алла Тазетдинова ва олимпиада ўйинлари ғолиблари Вера Дуюнова, Лариса Павловалар қутлуғ тадбирнинг азиз меҳмони бўлдилар.

Спорт ва санъат эзгуликка хизмат қилади. «Рақс» гуруҳи, болаларнинг севимли «Аладдин» шоу-гуруҳи, «Қувноқ таёқчалар» каби бадиий жамоаларнинг ажойиб, бетакрор маданий дастурлари қалбларга завқ-шавқ бағишлаб, барчада унутилмас таассурот қолдирди.

«Пахтакор-79» футбол жамоасининг хотирасига бағишланган халқаро мусобақаларда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси футбол жамоаси ва «Ўзкабель» ДАЖнинг «Спектр» қўшма корхонаси, «Алгоритм» очиқ акциядорлик жамияти, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Тўқимачи», «Пахтакор» фахрийлар футбол жамоалари икки гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс олиб бордилар. Миллионлаб ишқибозларнинг меҳрини қозонган, номи мангуликка муҳрланган севимли «Пахтакор-79» футбол жамоасининг хотирасига бағишланган мини-футбол бўйича анъанавий бешинчи халқаро турнир ўша машъум воқеа юз берганлигининг 25 йиллигини ёдга олиш билан янада эсда қоларли, хайрли бўлди десак янглишмаймиз. Аввало, оромгоҳда шундай савобли, эзгу ишларнинг ўтказилиши болаларнинг қалбида бетакрор таассурот қолдириши, уларни яхшиликка етаклаши билан катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Турнир ҳақида унинг фахрий меҳмонларидан Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари Кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлимининг мудири Қувватбой Қодиримбетов «Алгоритм» оромгоҳини қорақалпоқ элининг болалари ғоят севиши бежиз эмас», — дея сўз бошлади. Ҳар бир кун улар учун қизиқарли ўтишининг гувоҳи бўлдим. Ёзги мавсумда ушбу оромгоҳда 320 нафар қорақалпоқ болалари мириқиб дам олдилар. Шундан 200 нафар бола барчамизга азиз бўлган «Пахтакор-79» футбол жамоасининг хотира халқаро турнирига бағишланган ажойиб маданий-спорт тадбирларидан баҳраманд бўлдилар. Оромгоҳда мириқиб дам олаётган қорақалпоқ эли болаларининг ушбу хотира турниридан беҳад мамнун бўлганликларини уларнинг чеҳрасидан, дилдан айтган сўзларидан билиш мумкин. Менда ҳам ушбу турнир яхши таассурот қолдирди. Севимли жамоамиз «Пахтакор-79»нинг хотирасига бағишланган маданий-спорт тадбири қалбларга ҳаяжон солди. Хайрли тадбир айниқса, болаларни ғоят қизиқтириб, уларнинг ёдида ўчмас из қолдирди десам хато бўлмайди. Спорт — эзгулик рамзи сифатида кишилар юрагига яхшилик уруғини сочади. «Алгоритм» оромгоҳида ўтган мазкур анъанавий тадбир сермазмунлилиги билан эсда қолади. Хотира уйғонса гўзалдир. Ўтганларни эслаш хайрлидир.

Шунинг учун ҳам донишмандлар эзгулик мангу яшайди деб бежиз айтишмаган, — дея сўзини якунлади Қувватбой Қодиримбетов.

Турнирнинг диққатга сазовор жиҳатларидан бири — ҳар бир учрашувнинг «Пахтакор-79» футбол жамоасига хос бўлган кескин ҳужумкорлик руҳида, ғоят қизиқарли тарзда ўтганлиги бўлиб, барчанинг эътиборини ўзига қаратди. Ҳаяжонли вазиятларга бой бўлган муросасиз, кескин беллашувларда ғолиб ҳамда совриндорлар аниқланди. Ҳужумкор ўйин кўрсатган «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг футбол жамоаси турнир ғолиби деган номга сазовор бўлди. Футбол майдонидаги чиройли ўйинлари билан мухлисларни қувонтирган «Пахтакор» фахрийлар жамоаси фахрли иккинчи ҳамда мусобақанинг мезбони «Алгоритм» футболчилари учинчи ўринларни эгалладилар. Турнир ғолибига кўчма кубок, хотира вимпели, эсдалик совғалари топширилди. Ҳурмат шоҳсупасининг иккинчи ва учинчи поғонасини эгаллаган жамоалар дипломлар, хотира вимпеллари, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ушбу мусобақанинг муҳим хусусиятларидан бири ғалаба қозонишгина эмас, фаол иштирок этиш, дўст-биродарлар орттириш, спортнинг тинчлик, эзгулик элчиси эканлигини англаш, истеъдодли спортчилар, ажойиб инсонларни ҳурмат билан ёдга олишдек улуғ фазилатларнинг болалар қалбидан бир умрга ўрин эгаллаганлиги, унинг тарбиявий аҳамияти мазкур хайрли тадбирнинг улкан муваффақияти десак, асло янглишмаймиз.

**Йўлчибой РАҲИМЖОНОВ,**
**«Алгоритм» очиқ акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитасининг раиси**



**Халқимизда «Болаликда берилган тарбия тошга ўйилгандек мустаҳкам бўлади», деган доно гап бор. Шунинг учун ҳам оромгоҳларда болаларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтишига, дунёқарашлари кенгайишига хизмат қиладиган тадбирларга катта аҳамият берилади. «Шу азиз Ватан барчамизники» деган улуғ калом оромгоҳлар тарбиявий фаолиятининг мақсад-мазмуни, маъно-моҳиятини ифодалаб, оромгоҳларда турли миллат, элат фарзандлари бир оила аъзоларидек аҳил-иноқлик билан яйраб ҳордиқ чиқариб, бир олам таассуротлар билан ота-оналари бағрига қайтдилар.**

# МИРИҚИБ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШДИ

Беғубор қалбли болалар билан суҳбатлашиш ғоят гаштли, қизиқарлидир. Чунки, бола кўнглидаги гапни очиқ-ойдин айтади.

Ёзги дам олиш мавсумида пойтахт корхоналари ва ташкилотларининг Бўстонлиқ туманидаги сўлим, хушҳаво гўзал табиат гўшаларида ва Тошкент денгизининг хушманзара масканларида пойтахт меҳнат аҳлининг фарзандлари билан биргаликда қардош қорақалпоқ элининг 1250 нафар болалари мароқли ҳамда мазмунли ҳордиқ чиқардилар.

Ёзги мавсумнинг тўртинчи навбатида «Алгоритм» болалар соғломлаштириш оромгоҳида 200 нафар қорақалпоқ болалари дам олдилар.

«Алгоритм» очиқ акциядорлик жамиятининг «Алгоритм» болалар соғломлаштириш оромгоҳидан уйига қайтаётган қорақалпоқ элининг фарзандлари билан суҳбатлашдик. «Менинг исмим Оқсингул Ғойибберганова, Хўжайли туманидаги 69-ўрта мактабда ўқийман. 9 ёшдаман, — дея сўз бошлади қорамағиздан келган ёқимтойгина қизалоқ. Оромгоҳ жуда чиройли жойлашган экан. Ҳавоси тоза, суви жуда ҳам ширинлигидан ичгим келаверади. Оромгоҳдаги сув ҳавзасида мазза қилиб чўмилдик. Овқатлари мазали, нони ширин, яхши экан.

Бу ерда спорт мусобақалари, турли ўйинлар, ашула, рақслар кўп ўтказилар экан. Ҳечам зерикмадим. Тўгаракларда болалар ўзлари хоҳлаган машғулотларга қатнашишади. Мен расм чизишни, китобни севганим учун рассомчилик тўгарагига қатнашдим. Эртак китобларини мириқиб ўқидим. «Пахтакор-79» халқаро хотира турнири деб номланган спорт мусобақаси жуда қизиқарли бўлиб, кўп меҳмонлар келишди, санъаткорлар концерт қўйиб беришди. Бундай ажойиб томошани ҳеч қачон кўрмагандим. Оромгоҳда ўтган ҳар бир куним айниқса, мана шу «Пахтакор-79» хотира турнири ёдимда қолди. Иложи бўлса яна шу «Алгоритм» оромгоҳига келардим», — дея майингина жилмайди Оқсингул. —Доимо эзгу ниятларинг амалга ошиб, камол топ, — деймиз унинг хурсандлигидан мамнун бўлиб.

Бошқа болалар ҳам дам олиш ҳақидаги ўз таассуротларини баён этишга шошилдилар. Кўринишидан анча қувноқ, хушчақчақ, қадамидан ўт чақнаб турадиган зеҳни ўткир, ғайратли, юзи офтобда тобланган, сўзлари бурро-бурро бўлган қиз ўзини Холида Турсунбоева деб таништирди. «Мен Нукус шаҳридаги 23-ўрта мактабда ўқийман. 12 ёшдаман. «Алгоритм» оромгоҳи ҳақида яхши гаплар эшитгандим. Ниҳоят ўзим севган, орзу қилган оромгоҳда дам олиш насиб этди. Оромгоҳдаги ҳамма нарсалар менга ёқди. Мазза қилиб, ўйнаб-кулиб ҳордиқ чиқардим. Оромгоҳдаги ҳамма нарсалар қизиқарли, эсда қоларлидир.

«Алгоритм» оромгоҳида спорт мусобақаларига катта эътибор берилади. «Аладдин», «Рақс», «Сеҳрли таёқчалар» каби қўшиқ айтадиган, рақс тушадиган, ажойиб куй чалишадиган ёш санъаткорлар келиб санъатларини намойиш этишди.

Кинофильмларни мириқиб томоша қилдик. Тўгаракларда устозларимиздан буюм ясаш, расм чизишни ўргандик. Умуман, мени ўйлашимча оромгоҳга келган бола бирор фойдали иш билан шуғулланиб, бирон нарсани, масалан ҳунарни оз-моз бўлсада ўрганади ёки қизиқиши уйғонади. Бу жуда ҳам яхши. Китобларни севаман. Кўп китоби бўлган бу оромгоҳда китоблар мутолаа қилдим. Билимимни оширдим. Тоғ ҳавоси жуда ҳам ёқимли, тоза экан. Ҳовузда тип-тиниқ сувда яйраб чўмилдим. Овқатлари ғоят мазали, тўйимли, нони жуда яхши экан...

Шуни айтиш керакки, «Пахтакор» футбол командаси хотирасига бағишланган мусобақа, намойиш этилган концертлар, кўплаб меҳмонларнинг иштироки, айтган сўзлари инсонни эслаш яхши хислат эканлиги ёдимда қолди. Боболаримиз, момоларимиз айтганидек, яхшиликдан яхшилик ўчмас издек қолар экан» — деб сўзини тугатди Холида. Эзгу ниятларини ардоқлаган идрокли бу қизга ҳам бахт ёр бўлсин деймиз. Болаларнинг бир оғиз раҳмат деб айтган сўзида катта маъно мужассамдир. Дилдан айтилган бу самимий миннатдорчилик қилинган меҳнатга берилган ўзига хос аниқ баҳо бўлиб, болаларнинг хурсандчилиги, камолоти учун қилинган меҳнат асло бесамар бўлмаслигини намойиш этиб эзгу ишларга барчани чорлайди.

**Умар УСМОНОВ**

# СПОРТ – ЭЗГУЛИККА ЧОРЛАЙДИ

**Меҳнаткашларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, спортнинг оммавийлиғини ошириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш касаба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Касаба уюшмалари ташкилотларида ишлаётган ходимлар ўртасида республика миқёсида спартакиада ўтказилаётганлиги эътиборга сазовор бўлиб, эзгуликни илгари сурувчи, барчани аҳилликка чорловчи ушбу турнир спортнинг оммавийлигини кучайтиришга, инсонни жисмонан бақувват, руҳан тетик бўлишига хизмат қилади.**

Яқинда Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳридаги “Металлург” стадионида спартакиаданинг навбатдаги босқичи ўтказилди.

Бошқа вилоятлардан келган жамоалар спортнинг катта теннис, енгил атлетика ва мини-футбол турлари бўйича ўзаро беллашдилар. Спартакиада низомига биноан мусобақаларда 25 ёшдан юқори бўлган ходимлар қатнашдилар.

Спартакиада мусобақалари деганда аввало кишиларнинг кўз ўнгида гавдаланадиган енгил атлетика баҳсларида 25-34 ёшдаги гуруҳда Тошкент шаҳри вакиллари Виктория Микеева ва эркаклар ўртасида 35 ёшдан юқори гуруҳда Илдар Шайхутдинов зафар қозондилар.

Катта теннис бўйича мусобақаларда ҳам вакилларимиз муваффақиятли қатнашдилар. Эркаклар ўртасидаги беллашувларда Баҳодир Умаров ғолиб чиқиб, А.Гончаров ҳамда аёллар ўртасида А.Капырзева ҳурмат шоҳсупасининг иккинчи поғонасини эгалладилар.

Мини-футбол баҳслари ҳам қизиқарли бўлиб, Тошкент шаҳри касаба уюшмалари кўрсатган ўйин мухлисларда яхши таассурот қолдириб, вакилларимиз фахрли иккинчи ўринни эгалладилар.

Ғолибларга Республика жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий Кенгашининг дипломлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Спартакиада ғолиблари кейинги босқичга йўл олиб, спорт майдонларида ўзларининг маҳоратларини намойиш этадилар. Мусобақада қатнашиш, соғлиқни мустаҳкамлаш, дўстлар орттириш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш муҳимдир. Зеро, спорт – кишиларни эзгуликка чорлайди.

**Усмонбек ФАТТОҲОВ**

*Ёзувчи ва замон*

# ДУНЁНИНГ САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗАСИ



**Ҳақиқий санъат асарлари ўқувчи қалбига миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳини сингдиради. Чунки китоб ўқиётган одам асар қаҳрамонларига эргашиб инсон қисмати ҳақида фикрлайди. Тафаккур дунёси кенгаяди. Ўзини ёмон иллатлардан сақлайди, шунинг учун халқимиз китоб кўтарган одамдан ёмонлик кутмайди. Бироқ, кейинги вақтларда одамларнинг тезкор ахборотга эҳтиёжи кучайгани учунми, оммавий ахборот воситалари кўпайиб кетганиданми, китобга нисбатан эътибор сусайгандек. Аммо тиниқ тафаккурли инсонлар бадиий адабиётга ҳамиша эҳтиёж сезганлар ва шундай бўлиб қолади.**

**Бугунги суҳбатдошимиз ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб ўнлаб ўлмас ҳикоя, қисса ва романлари билан ўқувчилар қалбини ром этиб келаётган, умумий тиражи икки миллион нусхадан ошган элликдан ортиқ китоби нашр этилган атоқли ва севимли адибимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир ҲОШИМОВДИР.**

**— Ўткир ака, кутлуғ кунлар — Истиқлолимиз арафасида Сиз билан учрашиб турибмиз. Айни дамларда кўнглингиздан нималар кечмокда, шулар ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Бундан анча йиллар муқаддам хизмат сафари билан Америка, Швейцария, Англияда бўлиб, қайтар чоғимизда Лондондаги Хитроу аэропортидан самолётга чикдик. Ҳаво кемаси учиши олдидан ўзбек қизи соф она тилимизда эълон қилди:

— Ассалому алайкум, хонимлар ва жаноблар! Сизларни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси номидан муборакбод этамиз». Очиғини айтганда шу сўзларни эшитиб, кўзимдан ёш чиқиб кетди. Юртимдан минглаб чақирим олисда, инглиз, япон, хитой, ҳинд миллатлари вакиллари ўтирган ҳаво кемасида ўзбек тили жарангласа ҳаяжонланмай бўладими? Шунинг ўзи Мустақиллигимиз шарофати эмасми? Илгари чет элга чиқсанг дунёда Ўзбекистон деган юрт борлигини деярли ҳеч ким билмас, «Ўзбекистондан келдим», десангиз, нари борса, «Ҳа, Афғонистонданми?» деб сўрашар, Шарқ мамлакатларида эса Самарқанд билан Бухорони чала-чулпа эслагандек бўлишар эди.

Анча йиллар аввал Мексиканинг мустақиллик байрамида бўлганман. Йигирма миллион одам яшайдиган улкан шаҳар Мехикода кечаси билан кишилари унинг «Вива Мексика», «Яшасин Мексика» деб ҳайқириб чиққанидан ухлай олмаганман. Биз ҳам ўз Мустақиллигимиздан ана шундай фахрланишни ўрганишимиз керак. Гарчи озодликка, эркинликка тинч йўл билан эришган бўлсакда, бу — неча йиллар давомидаги орзуларимиз, ички изтиробларимиз маҳсулидир.

Бизга рус тилини билсанг, бутун дунё билан алоқа қила оласан, деган тушунча сингдирилган эди. Аммо туппа-тузук зиёли одам, таниқли ёзувчи чет элга чиқсам, ҳеч ким билан гаплаша олмайман. Ҳозир ўн ёшли набирам инглиз тилида дурустгина сўзлашади. Бу — ниманинг меваси? Муқаддас динимиз, маънавий қадриятларимиз қайта тиклангани, Ўзбекистон деган юрт, ўзбек деган халқ дунёга танилгани ниманинг маҳсули?

Каттадир, кичикдир ҳар бир инсон ўз эркига эга бўлганлиги билан фахрланишни билиши, мустақилликни кўз қорачиғидек асрашларини истардим.

**— Ижодкор учун энг муҳим нарса нима? Ижодни қандай тушунмоқ керак?**

— Худо кўнглига солмагунча ҳақиқий ижодкор қўлига қалам олмайди. Бадиий ижодни дунёнинг саккизинчи мўъжизаси деб ҳисоблайман. Чунки бадиий ижод ижоднинг бошқа турларидан тубдан фарқ қилади. Масалан, мусаввир чизган полотнони кўзингиз билан кўриб ҳаяжонга тушасиз, мусиқани қулоғингиз билан эшитиб завқланасиз. Лекин бадиий асар ўқиётганда китобдаги қора ҳарфлардан бошқа ҳеч нарсани кўрмайсиз, ҳеч нимани эшитмайсиз. Бироқ ,китобни мутолаа қилиш жараёнида кўз ўнгингизда рангин манзаралар пайдо бўлади, қулоғингиз остида гўзал куйлар жаранглайди. Беихтиёр руҳан асар қаҳрамонларига эргашиб кетасиз.

Ижодкорда аввалambor Худо берган талант бўлиши керак. Асар ёзилишидан олдин унинг жони, мусиқаси пайдо бўлиб ижодкор қалбини ларзага солади. Шундан сўнг ёзувчи ҳамма нарсани унутиб, мазза қилиб, кўнглидагини қоғозга тўкади. Илҳом деганлари — шу. Илҳомсиз яратилган асар ҳеч қачон ўқувчини оҳанграбодек ўзига тортмайди. Албатта, «илҳом-пилҳоминг билан ишим йўқ», деб ҳар куни уч, тўрт, ўн варақдан ёзиб ташлаш ҳам мумкин. Бу ёзувчининг ички интизоми ёки меҳнатсеварлигининг белгиси бўлиши ҳам мумкин. Мен бунга қарши эмасман, бироқ яна қайтараман, ижод қайсидир маънода илоҳий тушунча.

**— Насрда модернизмга қандай қарайсиз?**

— Ижод — бу изланиш дегани: ҳақиқий ижодкор ўз услубини излаши табиий. Мен ҳар қандай изланишга ҳурмат билан қарайман. Лекин нима бўлганда ҳам бадиий асар аввало Инсонни тасвирламоғи керак.

Бадиий асар тирик организм бўлиб туғилмоғи лозим. Чунки асар одамга ўхшайди, унинг ҳам ўз қисмати бўлади. Бадиий асар сиёсий декларация ёки маълум муддатга хизмат қиладиган мақола эмас. Унинг тадқиқ объекти Инсон бўлмоғи шарт. Шу ўринда бир нарсани мақтаниш учун эмас, шунчаки ички бир қониқиш билан айтишим мумкин. Бундан 40 йил олдин ёзилган «Баҳор қайтмайди» ёки 25 йил аввал яратилган «Дунёнинг ишлари», «Икки эшик ораси», Мустақилликдан кейинги «Тушда кечган умрлар» асарларим яқинда қайта нашр қилинганда уларни таҳрир қилиб, бирор жойларини олиб ташлаб, ёки қўшимчалар киритиб қайта ишлаганим йўқ. Яна такрорлайман, мақтаниш учун эмас, шунчаки ички қониқиш билан айтаяпман ,холос.

**— Роман жанри ёзувчидан тажриба ва маҳоратдан ташқари яна нимани талаб этади?**

— Адиблар орасида роман ёзишни орзу қилмайдиган қаламкаш бўлмаса керак. Роман ёзиш учун биринчи навбатда роман тафаккури ва унинг концепцияси бўлиши керак. Масалан, битта ҳикояни 300 саҳифа чўзиб роман деб аташ ҳам мумкин. Бироқ, аслида бу роман эмас. Чунки, ҳикоянинг ҳам, романнинг ҳам ўзига хос тафаккури бор. Романда одамлар қисмати бутун чигаллиги билан акс этмоғи, ҳаётнинг катта қатлами, жамиятдаги эврилиш нуқталарини ўзида мужассам этадиган ҳолатлар бўлиши керак. Мен романни кўп қаватли бинога ўхшатаман. Унинг ўзига хос мураккаб архитектураси, айвони, ётоқхонаси, болахонасидан тортиб ертўласигача ҳамма-ҳамма нарсалари бўлиши мумкин. Лекин улар шундай жойлашиши керакки, биронта ҳам ортиқча нарсаси бўлмасин. Энг муҳими, асар қаҳрамонлари жонли одамга айланиши лозим! Дейлик романда юзта персонаж бўлса, иложи борича ҳаммаси китобхонга жонли одам бўлиб туюлиши керак. Ўшандагина асар қаҳрамонлари ўқувчининг ҳамроҳига айланиб қолади. Ишонинг, бу — жуда мушкул юмуш.

Хуллас, роман ёзувчидан аввал истеъдод ва ижодий тажрибани, шунингдек, жуда катта тафаккурни талаб қиладиган жанрдир.

**— Ёзувчига жамиятнинг, жамиятга ёзувчининг таъсири бўладими?**

— Бадиий ижод жиддий ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Ҳақиқий ижодкор эса салмоқли ижтимоий шахс саналади. Жамиятнинг адибга, адибнинг жамиятга ўзаро таъсири ҳамма замонларда бўлган. Негаки бадиий асар қаҳрамонлари аллақандай мавҳум муҳитда эмас, аниқ замон ва маконда яшайди, ҳаракат қилади. Баъзан ижодни кўнгил иши дейишади. Бир жиҳатдан бу тўғри. Асар туғилишида қандайдир илоҳийлик бор. «Туғилган фарзанд», яъни ёзилган асар адиб ёки шоирнинг «шахсий мулки» бўлиб турганида, яъни ҳали эълон қилинмасидан аввал «кўнгил иши» бўлади. Лекин у ўн минг, эллик минг, юз минг нусхада китоб бўлиб, нашр этилганидан кейин шунчаки «кўнгил иши» эмас, умумхалқ мулкига айланади. Энди у ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Минглаб, юз минглаб инсонлар қалбига, қалби орқали онгига таъсир қилади, муайян дунёқарашни шакллантиради. Бир нарсани тасдиқлаб, бошқа нарсани рад этишга ундайди. Бу шунчаки «ваъзхонлик», шунчаки «ташвиқот»га қараганда кўп марта кучлироқ қуролдир. Атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор «адабиёт атомдан кучли, унинг кучини ўтин ёришга сарфламаслик керак», деганда айнан шуни назарда тутган. Чинакам қаламкашнинг, ҳақиқий санъаткор ёзувчининг мухлислари сон-саноқсиз бўлиши ҳам шундан. Хуллас, катта ижодкор катта ижтимоий шахс бўлиб қолаверади.

Шўро замонида ёзувчиларга «партиянинг дастёри» деб қарашар, уларни ўз ноғорасига ўйнатиш («социалистик реализм» қолипи) оддий удум эди. Шунга қарамай ҳақиқий ижодкорлар ҳақиқатни ёзишдан чекинмаган ва бунинг турфа йўлларини топган. Юртимиз Мустақиллиги ижодкор олдида бекиёс кенг уфқлар очди.

**— Асар қаҳрамонларини қандай яратасиз?**

— Асарда яшайдиган (шунчаки, исми бору ўзи йўқ персонаж эмас, айнан тирик одам бўлиб яшайдиган) қаҳрамонлар бадиий умумлашма образ бўладими, ҳаётда бор бўлган аниқ шахс бўладими, бундан қатъи назар китобхон кўз ўнгида жонли одам сифатида ҳаракат қилиши шарт. Унинг ўз шакли-шамойили, ўз характери, ўз қисмати бўлмоғи керак. Масалан, «Дунёнинг ишлари» қиссасидаги талай одамларни ўз кўзим билан кўрганман. «Икки эшик ораси»даги бир қатор одамлар ҳам ҳаётдаги реал кишилар. Лекин ҳар қандай вазиятда ҳам китобдаги образлар тирик одамга айланмаса, шунчаки «персонаж» бўлиб қолади. Тирик одамга айланганда эса ўзининг «яратувчиси»га, яъни адибга бўйсунмай қолиши ҳам мумкин. Яъни у ўз мантиқидан келиб чиқиб ўзи қисматини ўзи белгилайди. Дейлик, «Баҳор қайтмайди»да Алимардон ўзини ўлдириши менга бошида маълум бўлмаган. Ёки «Икки эшик ораси»да ўта мураккаб ҳолат бор. Ориф оқсоқолдек эл устида юрган инсон учун чидаб бўлмас иснод. Эсингизда бўлса, оқсоқол келинини «жазмани» билан тутиб келиб ўзи «суд» қилади. Ушбу боб ёзилаётганида оқсоқол қандай ҳукм чиқаришини ўзим ҳам билмаганман. У жаҳл устида Зуҳранимими, Козимнимими чопиб ташлаши ёки номусга чидолмай ўзини бир бало қилиб қўйиши мумкин эди. Лекин у фақат ўз характер мантиқидан, ўз донишмандлигидан келиб чиқиб мардона иш қилади. Келинини бегона йигитга никоҳлаб беради. Юзлаб учрашувларда шу ҳақда китобхонлар ҳаяжонланиб гапирдилар. Оқсоқолдек катта қалбли инсон айнан шундай қилиши мумкинлигини айтдилар... Бундай ҳолатлар тез-тез бўлиб туради. Яъни «қаҳрамон» ёзувчига «бўйсунмай» қўяди...

**— Ўзбек шеърияти ўзининг нафис ва оҳангработиги билан жаҳон адабиётида ўз ўрнига эга, десак бўлади. Насримиз бу борада баъзан орқада қолмаяптими?**

— Биринчидан, ўзбек шеърияти ҳам ҳозирча жаҳон адабиётидан ўзига ўзи муносиб ва фарқли бўлган ўринни ололгани йўқ. Бунинг учун шеъриятимиз айбдор эмас. Жаҳон миқёсига чиқиш илгари рус тили орқали бўлган. Шароит шундай эдики, китобинг рус тилида чиқса, москвалик танқидчилар уни маъқулласа, (имидж яратса) бошқа тилларга тезроқ таржима қилинган. Бундан бир неча йил аввал Нью-Йоркда чиқадиган, бутун дунёга тарқаладиган «Икарус» журналида «Тушда кечган умрлар» романимдан боблар босилди. Журнал бош муҳаррири шу масалада менга қўнғироқ қилганда биринчи саволим шу бўлдики, «роман ҳали рус тилида чиқмади-ку, қандай таржима қиласизлар?» деб сўрадим. Муҳаррир кулди. «Нима, романингизни ўзбекчадан инглизчага тўғридан-тўғри таржима қилиш мумкин эмасми?» деди. Биз олисдаги марказдан «фатво» берилишига шу қадар ўрганиб кетган эдик.

Саволингизга қайтсак. Ўзбек насрида бугун дунёга кўз-кўз қиладиган асарларимиз кўп. Асосий вазифа уларни бевосита она тилидан чет тилига мукаммал таржима қилиш, қолаверса, ўз асарларимизни тарғиб қилишга, фазилатларини кўрсата билишга ўрганмаганмиз. Жаҳон тиллари университетида таҳсил олаётган ёшлардан умидим катта. Улар энг сара асарларни инглиз, француз, немис, япон ва бошқа тилларга қойилмақом таржима қилса, яхши ноширлар топилса, ўзбек насри жаҳонга чиқишда оқсаяпти деган ноўрин таъналардан қутулган бўлардик.

**— Ўткир ака, Сиз машҳур ёзувчисиз. Одатда адиблар психолог бўлади. Айтингчи, қандай одамларни яхши кўрасиз? Қандайларга тобингиз йўқ?**

— Самимий, софдил, андишали одамларни яхши кўраман, ҳурмат қиламан. Афсуски, бундай инсонлар ҳаётда кўп қоқилади, кўп қийналади. Манфаатпараст, худбин, дунёга ўт кетса кетсин, оловига менинг қозоним қайнаса бас, дейдиганларни ёмон кўраман. Афсуски, бундайлар яшовчан бўлади. Янаям афсусланарлиси, улар камайиш ўрнига кўпайиб бораяпти. Ичиқоралик ҳам худбинликнинг бир тури. Бунақалар ўз навбатида икки тоифага бўлинади. Биринчиси — биров бирон ютуққа эришса, нега мен шундай бўлмадим, деб ичи куядиганлар. Иккинчиси — ўзи бир нимага эришса, мендан бошқа ҳеч ким ўнгланмасин, деб ичи куядиганлар. Биринчи тоифа аниқ бир шахсни ёмон кўради. Иккинчи тоифа ўзидан бошқа ҳаммани ёмон кўради!

Нима бўлганда ҳам ҳар кимнинг феълига яраша белгилаб қўйилган қисмати бор. Бир нарсага қаттиқ ишонаман. Аллоҳнинг тарозуси бехато ишлайди!

**— Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан босма нашрлар инсон тафаккурини шакллантирувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Кейинги пайтда турли кўнгилочар газеталар кўпайиб бормокда ва сир эмас, уларнинг асосий ўқувчиси ўсмир ёшлардир. Тўғри, газета фаолияти, бирон-бир эшиттириш ёки кўрсатувларнинг таҳлилчиси, танқидчиси ҳам ўқувчи, тингловчи, томошабиндир. Аммо бу билан ёшларимиз дунёқарашига баъзи олди-қочди кўчирма мақолалар билан салбий таъсир кўрсатиш мумкинлигини унутиб қўймаяпмизмикан?**

—Бугунги кунда юртимизда 800 дан ортиқ оммавий ахборот воситалари фаолият юритмокда. Қонун бўйича ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс оммавий нашр ташкил қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳам Мустақиллигимиз шарофатидандир. Аввалам бор, бу ҳуқуқни беришдан мақсад халқимиз орасида фикр рангбаранглиги, сўз эркинлигини таъминлаш. Бироқ кейинги вақтларда миллий қадриятларимизга тўғри келмайдиган Интернет сайтларидан, хориж матбуотларидан кўчириб босилаётган савияси паст мақолалар бошқалар сингари мени ҳам ташвишлантирмоқда.

Яқинда даволаниш мақсадида касалхонада ётганимда ўндан ортиқ газеталарни вараклаб чиқдим. Газеталардаги баъзи мақолаларни ўқисанг улар одамни яхшиликка эмас, ёмонликка чорлашининг гувоҳи бўласан. Баъзилари эса ҳаётда қандай бўлса ҳам мазза қилиб яшаб қолиш руҳида ёзилган...

Деразани очсанг тоза ҳаво билан биргаликда хонангга гард-ғубор ҳам ёпирилиб киради. Матбуотга берилган бугунги эркинликни ҳам шундай тушунса бўлади.

Мени қийнайдиган савол — нима учун Ғарбнинг ҳамма томонини биз қабул қилишимиз керак? Ахир халқимизнинг миллат сифатида фахрланадиган ўзигагина хос бўлган хусусиятлари жуда кўп-ку.

Кейинги вақтда Япония, Кореянинг кўп қисмли фильмларини халқимиз севиб томоша қилмокда. Мен бу фильмларни мақтамайман, чунки яхши нарсани мақташга ҳам ожизлик қилади киши. Шунингдек, одамларимиз ҳам нима яхши-ю, нима ёмонлигини англаб етмокда. Саволга қайтадиган бўлсак, бу ўтиш даврига хос вазият, холос. Тасаввур қилинг, лойқа сувни бирон нарсага солиб қўйсангиз, бўтанаси тагига чўкиб тиниқ сув юзасида бўлади. Худди шундай савияси паст оммавий ахборот воситалари ҳам вақт ўтиши мобайнида сараланиб, ўз-ўзидан эл назаридан четга чиқиб кетади, деган умиддаман.

**— Мустақиллик арафасидаги тилакларингиз?**

— Ўз Ватанини севадиган, ўз халқини, она тили, тарихи, маънавий қадриятларини авайлайдиган, борингки, ўзини оз бўлса ҳам ҳурмат қиладиган одам учун Мустақиллик — энг улуғ неъмат, энг нурли байрам. Эркакми, аёлми, ишчи ёки деҳқонми, кекса ёки ёшми — барчамиз Истиқлол учун шукрона қилишимиз фарз. Бу кун зиёлилар, биринчи навбатда ижод аҳли учун айниқса қадрли десам муболаға бўлмайди. Чунки ўз юртининг ҳурлиги учун энг кўп қурбон бўлган ва охиригача курашганлар орасида ижод ва илм аҳли алоҳида ажралиб туради. Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир ва бошқалар шу йўлда жонини берган. Мустабид жамиятнинг 50-йиллардаги қирғин баротида тағин ўнлаб мева берадиган энг сара гуллар Сталин лагерларига тиқилган.

Истиқлол бундай хунрезликларга абадий чек қўйди. Шу боисдан мустақиллик ижодкорлар учун ўта қимматли мева. Тилагим шуки, Мустақиллигимиз тоабад бўлсин. Юртимиз тинч, турмушимиз фаровон, дастурхонимиз тўкин бўлсин. Жамики яхши ниятли юртдошларимиз билан шу улуғ санани кўп йиллар биргаликда нишонлайлик.

**Шаҳло ҲОШИМОВА**
**суҳбатлашди**

*Шифобахш мевалар*

## БЕҲИ

Беҳи шарбати меъдани кучайтиради ва балғам қусишни тўхтатади. Сиқиб олинган суви астмада фойдалидир, у қон туфлашни ҳам тўхтатади.

Қусиш ва хуморга қарши фойда қилади, чанқовни босади, чиқиндиларни қабул қиладиган меъдани кучайтиради. Уруғи эса томоқ қирилишида фойда қилади ва ўпка найини юмшатади. Беҳи терни тўхтатади. Унинг ёғи совуқдан ёрилганда фойда қилади. Ёғи буйрак ва қовуққа ҳам фойда қилади. Қўрга кўмиб пиширилганини кўздаги иссиқ шишларга қўйилади. Агар беҳини овқатдан кейин ейилса, ични суради, кўпроқ ейилса овқатни ҳазм бўлишидан олдинроқ чиқариб юборади.

## ДЎЛАНА

Сафрони сўндиради. Бошқа меваларга қараганда суюқликларнинг оқишини кучлироқ тўхтатади.

Ични тўхтатади ва сийдик тутилишини туғдирмайди.

## ЁНҒОҚ

Япроғи ва қобиғи буриштирувчи бўлиб, қон оқишига қарши фойдаси бор.

Ёғи ел-ярага, сарамасга ва кўз атрофидаги оқма яраларга фойда қилади. Ёнғоқнинг мураббоси мижози совуқ меъдага фойдалидир. Ёнғоқ, айниқса қовурилгани киндик устига сепилса, ичак оғриқларини босади ва ични тўхтатади. Ёнғоқ мураббоси совуқ мижозли буйракка жуда фойдалидир. Буни истеъмол қилиш майда гижжаларни ва қовоқ уруғсимон гижжани ҳайдайди.

## ЖИЙДА

Ҳар қандай оқаётган нарсани тўхтатади. Унинг буриштиришда ва ични қотиришда қуввати дўлананикидан кўпроқдир.

Иссиқдан бўлган йўталга фойдалидир. Қусишни тўхтатади. Жийда кўп сийишга қарши фойдалидир. Сафродан бўлган ичак шилинишида фойда қилади, жийда ични тўхтатади.

## НОК

Меъдани ошлаб тозалайди, ташналикни кесади, сафрони тўхтатади.

Ични қотиради, айниқса, қоқиси шундай. Нок, айниқса ёввойисининг қуритилгани жароҳатларни битиради.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

# «Тошиссиқликмарказий» ОАЖ, «Ўзбекэнерго» ДАК ва «Тошиссиққуввати» ИЧБга қарашли марказий иссиқлик манбаларини 2004-2005 йилги иситиш мавсумига тайёрлаш ва уларда профилактика ишлари ўтказилиши муносабати билан қуйидаги иссиқлик марказларини тўлиқ режали тўхтатиш режалаштирилмоқда:

**«Шимолий-Шарқ» 1-ИМ – 20дан 24 сентябрга қадар;**

Академик Ҳ. Абдуллаев, Ж. Обидова, Раҳматуллин, Ф. Хўжаев, Мўминов, Муҳитдинов, Буюк Ипак Йўли, Сайрам, Эргашев, Оққўрғон, Пушкин, Доғистон кўчалари, Пушкин-Пишпек, Тошселмаш, Пушкин-Салор, Чизел, Ген.Петров, Ялонғоч, 1-Бўз (Черданцев-1) мавзелари, ТошГРЭС қўрғони.

**"Қорасув" 2-ИМ – 20дан 24 сентябрга қадар;**

Ҳумоюн, Қорасув-1,2,3,4,6, Бўз-2 (Черданцев-2), Феруза мавзелари ҳудуди, Геофизиклар қўрғони, Қодиров, Т. Малик, А.Матқобулов, акад. Ҳ.Абдуллаев, Иркутск, Ш.Бурханов кўчалари.

**"Ғарбий" 3-ИМ - 6дан 13 сентябрга қадар;**

Чорсу, Беруний, Бешёғоч, Олмазор, Қоратош, Б-1,2,3, М-10,11,14, М-26,27,28 мавзелари ҳудуди, Навоий, Халқлар Дўстлиги, Абай шоҳ кўчалари, А. Хўжаев, Ўзбекистон, ген.Узоқов, Ниязов, Фурқат, Самарқанд-Дарвоза кўчалари.

**"Шимолий" 4-ИМ – 13дан 19 сентябрга қадар;**

Юнусобод мавзесининг 1-19-даҳалари ҳудуди, А.Темур, Каймаков, А.Дониш, Муродов, Юнусобод, Сохибкор кўчалари, М-5, М-6, М-12,13,15, М-17,18 (Себзор) мавзелари, Тахтапул, Қорақамиш 1/1,1/2,1/3,1/4 мавзелари, Абай, А.Қодирий шох кўчалари, Бобожонов, Абдураҳмонов, Хуршид, Шамсутдинов, А. Ҳидоятов, Ҳасанов, А.Темур, Ғ.Ғулом, Ҳ.Асомов, Бодомзор, Шаҳристон, Ҳ.Олимжон, Пушкин, Ж.Обидова, Мавлонов, Эргашев, А.Закиров кўчалари, Ҳ. Олимжон майдони.

**"Чилонзор" 5-ИМ – 20дан 26 сентябрга қадар;**

Чилонзор мавзесининг 5дан 12гача, Ц, Г9А, 16дан 20гача, 20А, 26-даҳалари ҳудуди, Оқтепа, Дўмбиробод, Гулистон, Қизил Шарқ мавзеси, Роҳат, С.Мираҳмедов, Наққошлик, Новзаҳозирабод, Қатортол, Фарҳод, Чўпонота, Муқимий, Заргарлик кўчалари.

**"Жанубий-Ғарб" 6-ИМ – 13дан 17 сентябрга қадар;**

Қўйлиқ – 1-7 мавзелари ҳудуди, Қўйлиқ-Ҳалқа йўл мавзеси, Мунис, Янгизамон, Ҳ.Олимбеков, Бехтеров, А.Фитрат кўчалари.

**"Авиақурувчилар" 7-ИМ – 4дан 8 октябрга қадар;**

"Авиақурувчилар" шаҳарчаси, Гўзал-1,2,3,4, УКК-1 (ДСК-1), Слоним-1,2 мавзелари ҳудуди, Слоним, Лисунов, Бирлашган, Шолохов, Элбек кўчалари.

**"Сирғали" 8-ИМ – 20дан 24 сентябрга қадар;**

Сирғали-1-8А, Йўлдош (Спутник)-8,15,16,17, Дўстлик-1,2 мавзелари ҳудуди.

**"Янги Чилонзор" 9-ИМ – 4 дан 8 октябр га қадар;**

Чилонзор мавзесининг 13дан 15гача, 21дан 24,30,31гача бўлган даҳалари ҳудуди, Қизил Шарқ, Гулистон, Ал Хоразмий-1,2, Бешқайрағоч мавзелари, Ҳ. Турсунқулов, Раҳимбобоев, Ширин (Подмосковий), Лутфий кўчалари.

**"Шимолий-ғарб" 10-ИМ – 4дан 8 октябрга қадар;**

Б-1,2,3 М-26,27,28, Тиббиёт Шаҳарчаси, Чимбой, Жарариқ, Олимпия, Талабалар шаҳарчаси, Тансиқбоев-1,2,3, Қорақамиш-2/2,2/3,2/4,2/5, Белтепа, Ибн Сино-1,2, ТошДУ-ТошПИ мавзелари ҳудуди, Мирза Ғолиб, Мухбир, Чимбой, Форобий, Беруний кўчалари.

**ТЭМ – 4дан 8 октябрга қадар;**

Ш.Рашидов шох кўчаси, Ц-7, Муқимий, Арнасой, Ш.Исломов, Аския, С.Мираҳмедов, Бобур, У.Носир, Афросиёб кўчалари ҳудуди, Чилонзор-1,2,3,4,5,Е,И мавзелари, Бошлиқ, Қушбеги, Авиашаҳарча мавзелари, Нукус, Глинка, Т.Шевченко, А.Тўқай, А.Темур, Я.Ғуломов, Локомотив, Моварounнаҳр, Ҳ. Умаров, Шаҳрисабз кўчалари, Ц-1,2,4,5.

**"Водник" қозонхонаси – 4дан 8 октябрга қадар;**

"Водник" мавзеси, Ҳ. Бойқаро кўчаси ҳудуди.

**"ТТЗ" қозонхонаси – 6дан 12 октябрга қадар;**

"ТТЗ"-1,2,2А,4, Югнакий мавзелари ҳудуди, Буюк Ипак йўли, Белоножко, Гулсанам, Аҳиллик кўчалари.

Тўхтатиш даврида иссиқлик марказларининг юқорида кўрсатилган таъсир доирасида иссиқ сув таъминоти бўлмайди.

**Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган қуйидаги автомототранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади.**

**2004 йил 7 сентябрь куни қуйидаги автомототранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади:**

1.ЗИЛ-130 автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АК 627, техник носоз, бошланғич нархи 1.420.000 сўм.

2. ЗИЛ-555 автомобили, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АК 631, техник носоз, бошланғич нархи 1.486.000 сўм.

3. ЗИЛ-130 автомобили 1981 йилда ишлаб чиқарилган , давлат рақами 10 АК 976, техник носоз, бошланғич нархи 1.252.000 сўм.

4. ТАТРА –815 самосвал автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АК 078, техник носоз, бошланғич нархи 5.650.000 сўм.

5. ЗИЛ-130 автокрани, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич нархи 1.252.000 сўм.

6. М-412 ИЭ ИЖ автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AJ 193, бошланғич нархи 175 000 сўм.

7. "Ваз-2106" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АЕ 179, бошланғич нархи 2 000 000 сўм, техник соз.

8. "КАВЗ-685" автобуси, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 811, бошланғич нархи 600 000 сўм.

9. "КАВЗ-3270", автобуси,1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АЕ 929, бошланғич нархи 1 000 000сўм, техник носоз.

10. "Паз-3201" автобуси, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 15-07 ТНМ, бошланғич нархи 250 000 сўм, техник носоз.

11. "ТАРЗ-3270" автобуси, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 36-73 ТНБ, бошланғич нархи 250 000 сўм, техник носоз.

12. "УАЗ-31512-02" автомобили, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AR 652, бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз.

13. ""Уаз-452 Д" юк автомобили, 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 99-93 ТНМ, бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз.

14. "Камаз-5410" юк автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АА 113, бошланғич нархи 6 000 000 сўм, техник носоз.

**Ким ошди савдоси соат 16.00да бўлади.**

**2004 йил 28 сентябрь куни қуйидаги автомототраспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади**

1. "Тико" автомобили, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AI 774, бошланғич нархи 1 050 000 сўм, техник соз.

2. "Тико" автомобили, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AV 416, бошланғич нархи 1 750 000 сўм, техник соз.

3. ""Раф-220301" микроавтобуси, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AL 358, бошланғич нархи 714 420 сўм, техник носоз.

4. "Газ-31029" автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AL 636, бошланғич нархи 1 099 900 сўм, техник носоз.

5. "Газ-3102", автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АА 412, бошланғич нархи 1 077 220 сўм, техник носоз.

6. "Тико" автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AF 434, бошланғич нархи 2 230 400 сўм.

7. "Газ-31029" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АД 240, бошланғич нархи 1 145 260 сўм, техник носоз.

8. "Ваз-21070" автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 Д 31-76, бошланғич нархи 451 028 сўм, техник носоз.

**Ким ошди савдолари соат 16-00 да бошланади.**

**Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ким ошди савдоси эълон килингандан 3 кун аввал тўхтатилади.**

**Ким ошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.**

**Маълумот учун телефонлар:, 41-16-38, 144-54-08.**

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

*газеталари таҳририяти реклама агентларини ишга қабул қилади.*

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.**

*Спорт*

## КУЧЛИ ЭКАНЛИКЛАРИНИ ИСБОТЛАШДИ

**Маълумки, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳозирда сентябрь ойида Малайзияда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатининг финал босқичида қатнашиш учун қизғин ҳозирлик кўрмоқда.**

Австрия мамлакатига ёшлар терма жамоасининг сафари ҳам чемпионатга тайёргарлик доирасида ташкил этилди.

Ушбу Европа мамлакатидаги ўқув-машқ йиғинлари давомида терма жамоамиз иккита ўртоқлик учрашуви ўтказди. Хусусан, ёшларимиз дастлабки ўйинда ўз тенгдошлари — Австрия ёшлар терма жамоаси билан куч синашдилар. Кескин ва муросасиз, тенг кечган ўйинда 1:1 ҳисобидаги жанговар дуранг қайд этилди.

Иккинчи ўйин мамлакат олий лигаси вакили «Австрия Вин» клуби футбол академияси билан кечди. Мазкур баҳсда юртдошларимизнинг ҳар томонлама устунлиги сезилиб турди ва улар 2:0 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Юқоридаги чиройли ўйинлар ва жамоамизнинг яхши спорт формасида эканлиги Осиё чемпионатида юртдошларимизнинг муваффақият қозонишларига умид туғдиради.

## «ОТЧОПАР»ДА КАТТА ПОЙГА

**«Тошкент отчопари»да Катта дерби мусобақалари — яъни зотли отларни узоқ масофадаги пойгаларда синовдан ўтказишга бағишланган қизиқарли турнир бўлиб ўтди.**

Пойгаларда «Олтин тақа қўшув» акциядорлик жамияти, Республика Олимпия заҳиралари коллежи, «Динамо» спорт жамияти, «Баракат+М» акционерлик жамияти, Тошкент от заводи, «Файз омон», «Рустами достон» хусусий фирмалари, шунингдек, Д.Пўлатов, П.Хўжаев, Х.Эгамназаров ва бошқаларнинг отлари иштирок этди.

Мусобақанинг ҳар хил турлари бўйича Калинка лақабли отда С.Сизова, Уступчивой отида Ю.Бабич, Рэйн отида С.Солмонов, Комета лақабли отда М.Ҳусанов Орфей отида, З.Городничев, Гарант лақабли отда С.Солмонов, Эллада лақабли отда М.Ҳусанов биринчи ўринларни эгаллашди.

**(Ўз мухбиримиз)**





Янги ўқув йили бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди.Шаҳримизда ташкил этилган мактаб бозорлари одамлар билан гавжум. Кимдир янги кўйлак, кимдир туфли, яна кимдир, китоб-дафтарлар харид қилишга ошиқмоқда. Албатта мактаб бозорларидан ўзингизга маъқул бўлган арзон, сифатли кийимлар ва ўқув қуролларини харид қилишингиз мумкин.

**СУРАТЛАРДА: шаҳримиздаги Кадишев бозоридан лавҳалар.**
**Владимир Гранкин олган суратлар.**

*Кўргазмалар*

## «ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН»

**Республикамизда ишлаб чиқарилаётган сифатли ва рақобатбардош маҳсулотларнинг нафақат ички бозорда, балки жаҳон бозорида ҳам муносиб ўринга эга бўлаётганлиги, албатта мустақиллик шарофати, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига берилган кенг имкониятлар самарасидир.**



Энг азиз, энг улуғ байрам — Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида «Ўзэкспомарказ» Республика савдо кўргазма марказида ўз ишини бошлаган «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» кўргазма-ярмаркасида ана шундай кенг миқёсдаги имкониятлардан оқилона фойдаланиб, мамлакатимиз иқтисодиёти равнақига муҳим ҳисса қўшаётган 200 дан ортиқ корхоналар иштирок этишмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, бугунги кўргазмага қўйилган республика ишлаб чиқарувчиларининг экспозициялари фақатгина кенг кўлами билангина эмас, балки маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўзлаштирилган. 2004 йил маҳсулотлари муҳим аҳамият касб этади. Бу, албатта, жорий йил бошида чиқарилган «2004-2005 йиллар давомида тайёр маҳсулотлар, эҳтиёт қисмлар ва маҳаллий хом ашё асосида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш бўйича қўшимча тадбирлар ҳақида»ги республикамиз ҳукумати қарорининг амалда бажарилаётганлигининг исботидир.

Маҳаллийлаштириш даражаси, маҳаллийлаштириш лойиҳаларида республика корхоналарида ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун турли материаллар ишлаб чиқариш, техник ва истеъмол моллари рўйхатлари тасдиқланган бўлиб, ушбу дастур лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналарга солиқ ва божхона имтиёзлари киритилган. Дастурнинг муваффақиятли бажарилиши эса импортнинг солиштирма ҳажмини анча-мунча камайтиришга ва икки йил мобайнида миллиард АҚШ долларини тежашга олиб келади.

Кўргазмада қатнашаётган компания, давлат корхоналари, қўшма корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида тайёрланган маҳсулотлар билан танишар экансиз, беихтиёр мустақиллик меваларидан кўнглингиз тоғдек кўтарилади. «ЎзДЭУ авто» қўшма корхонасида тайёрланган автомобиллар, «СамКочавто» қўшма корхонасининг спорт жиҳозлари, шунингдек, 1-павильоннинг 2-қаватини эгаллаган бошқа экспозициялар юртимиз иқтисодий салоҳияти юксалиб бораётганидан дарак бериб турибди. Қурилиш материаллари, спорт жиҳозлари, полиэтилен қувурлар, кимё, электроника жиҳозлари, тўқимачилик маҳсулотлари, чинни буюмлар, гиламлар, озиқ-овқат, сувни тозалаш тизимлари — экспозицияга қўйилган маҳсулотларни санаб тугатиш қийин. Лекин энг муҳими эса уларнинг бугунги давр талабига, жаҳон андозалари даражасига жавоб беришидадир.

Кўргазма-ярмаркада ўз маҳсулотларини намойиш этаётган пойтахт корхоналари ҳам мамлакат иқтисодиёти ривожида ўз ўрнини яққол кўрсатиб турибди. «Совпластитал», «Висо», «Тошэлектроаппарат» қўшма корхоналари, «Офис маркет», «Ижод-ижод», «Зебунисо она», «ПГС», «Patpokl» хусусий фирмаларида тайёрланаётган маҳсулотлар ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

— Маҳсулотларимизнинг асосий қисмини Россия, Украина давлатларига экспорт қиламиз, — дейди «Тошэлектроаппарат» қўшма корхонаси бош менежери Жўра Авазов. — Тайёрлаётган электр жиҳозларимизнинг 80 фоиз бутловчи қисмларини эса ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Ушбу кўргазмада эса ҳамкорлар топишга, кўпроқ шартномалар тузишга интиламиз.

Байрам шодиёнаси арафасида республика Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ташкилотчилигида ўтказилаётган ушбу кўргазма-ярмарка 2 сентябргача ўз ишини давом эттириб, барча қизиқувчиларни «Ўзэкспомарказ» мажмуасига таклиф этади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: кўргазма-ярмаркадан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**





Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-909. 1234 6